



Каъб ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам учта бармоқлари билан ердилар, қўлларини артишдан олдин ялардилар (Имом Мұслим ривояти).

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бармоқларни ва товоқни (лаганни) ялашни буюрдилар ва: «Барака қайсисида эканини сизлар билмайсизлар», дедилар (Имом Мұслим ривояти).

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таом есалар, учта бармоқларини ялардилар. «Қай бирингизнинг луқмаси тушиб кетса, ундан озорни (яъни чанг-чунгни) тозалаб ташласин ва есин, уни шайтонга қолдирмасин!», деганлар ва

бизни товоқни сидириб-тозалаб қўйишга буюрганлар, «Сизлар барака таомингизнинг қаерида эканини билмайсизлар», деганлар (Имом Муслим ривояти).

**Шарҳ:**

Бармоқлардаги таом юқини ялаб қўйиш ва идишда қолган юқларни сидириб-тозалаб қўйиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган таомланиш одбларидан саналади. Учта бармоқ билан ейиш у зотнинг овқатланишдаги суннатлари эди. Таомдан бирон луқма ерга тушиб кетса, уни олиб, тозалаб еб қўйишга, уни шайтонга қолдирмасликка буюрганлар.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Учта бармоқ билан ейиш мустахаб;
2. Таомдан фориғ бўлгач, бармоқларни ялаб қўйиш суннат;
3. Идишдаги таом юқини тозалаб қўйиш суннат;
4. Тушиб кетган таом луқмасини олиб, тозалаб еб қўйиш керак.